

ТОШКЕНТ ХАКМКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СССР—ФРАНЦИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

14 октябрда Кремлда Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорный, А. И. Косигин ва А. А. Громикиннинг Франция президенти Ш. Жискар Д'Эстен билан музокаралари бошланди.

Музокараларда асосий эътибор Совет—Франция муносабатларига қаратилди. Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлигининг туб масалалари муҳокама қилинган вақтда

ҳар икки мамлакат халқларининг манфаатларини қўллаб-қувватловчи ривожлантириш йўли таъкидлаб ўтилди. Бу йўл қўшма ҳужжатларда белгилаб берилган эди. СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик принциплари ва масалалари бўйича турли ҳақиқатда Совет—Франция протоколи бу ҳужжатларнинг энг муҳими. Томонлар кўрсатиб берилган асос

да турли соҳаларда Совет—Франция ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд эканлигини аниқлаш билан қай қилдилар.

Халқаро масалалар муҳокама қилинган вақтда томонлар хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Хельсинки кенгашининг муваффақиятли тугаллаганлиги Европа ва жаҳон сийсатида янги

қулай имкониятлар очиб беришига, кенгаш қатнашчилари ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун янада кенг имкониятлар вужудга келтиришига ишонганликлари изҳор қилдилар.

Музокаралар дўстона ва ишчанлик асосида ўтмоқда.

(ТАСС).



СУРАТДА: Музокаралар пайти.

ТАСС фототехникаси.

ОЛИЙ МАРТАБАЛИ МЕҲМОН ШАРАФИГА

СССР Олий Совети Президенти ва СССР ҳукумати 14 октябрда Катта Кремль саройида Франция Республикасининг президенти Валери Жискар Д'Эстен шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Франция Республикасининг бошлиги ва унинг рафиқаси билан бирга Франциянинг Совет Иттифоқига келган давлат арбоблари, шунингдек Франциянинг

СССРдаги элчиси Жак Вимон ҳам бор эди.

Совет томонидан Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громикин, А. П. Кириленко, А. И. Косигин, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорный, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломечев, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катусев ўртоқ

лар, СССР Олий Совети президенти раисининг ўринбосарлари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, СССР Министрлари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

нинг сезиларли самараларидир. Шу билан бирга, совет-Франция муносабатларини янада кенгайтириш ва бойитиш учун ҳали фойдаланилмаган имкониятлар борлиги шубҳасиз. Винобарин, биз совет-Франция ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантириш, бу ҳамкорликка аҳолининг тобора кенг қатламларини жалб этиш совет ва француз халқларига манзур бўлиб тушунишга аминмиз.

Кескинликни юмшатишнинг ҳарбий соҳага ҳам ўтказмай туриб, кескинликни юмшатишнинг моддийлаштириб бўлмаслиги равшан. Назаримда эндиликда бунинг учун анча қулай шароитлар вужудга келди.

Европада ҳарбий қарама-қаршиликни камайтириш, қурол-яроғларнинг чеклаш ва қуролсизланиш халқаро турмушининг шундай бир соҳасидир. Ҳозир бу соҳада давлатларнинг ҳолиси ният ва таллабсиз кўрсатиши айниқса зарурдир. Давлатларнинг оммавий қирғин қуролининг янги турларини, шу қуролининг янги системаларини вужудга келтиришнинг тўғри-сида қаттиқ мажбурият олишини кўзда тутиб кенг халқаро битимга эришиш тобора кўп ақтуаллик касб этаётганлиги бизнинг ишончимиз қомил. Ҳаётнинг ўзи давлатларни ҳамма халқлар учун ҳаётини муҳим бўлган шу вазифаларни ҳал этишда ўз ролини белгилаб олиш заруратини олдиға келтириб қўймоқда.

Президент жаноблари, биз ҳамма Франция сийсатининг кучли ушунга мустақиллигини кўриб ҳисоблаб келамиз. Мустақил Франция халқаро тинчликни мустақамлашга қатта ҳисса қўйиши мумкин. Совет Иттифоқи Франция билан дўстлик ва ҳамкорлик учун ошқинди.

Ўз-ўзидан равшанлиги, турли социал-иқтисодий системаларга, турли идеологияларга мансуб давлатларнинг ҳамкорлиги давомида ана шу синфий тафовутлардан келиб чиқадиган ўзига хос ҳисусиятлар барҳам топиши мумкин эмас. Мамлакатларнинг ҳар бири ўз тусини, ўзининг халқаро алоқалари асосида тушунадиган ва ўзига хал эътидоини проблемаларга умумий ёндашгани ўзгариб қолгани мумкин, деб ўйлаш ҳам ҳаёли аналитик турган гап.

Халқаро кескинликни юмшатиш гоёлар кўрашнинг мутлақо беқор қилмайдиган. Бу кўраш — объектив ҳодисадир.

Айни вақтда Совет Иттифоқи билан Франция, иккала мамлакатнинг халқлари мутлақо реал кенг ўзаро манфаатларга эга

(Давоми 2-бетда).

№ 203 (5552).

16

ОКТАБРЬ

ПАЙШАНБА

1975 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Самарқанд областининг колхозчиларини, совхозларининг ишчиларини, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, кишлоқ хўжалиги, суя хўжалиги, тайёрлов органларининг ҳодимларини меҳнатдаги катта галаба — давлатга дон сотиш 1975 йил топшириги ва умуман тўққизинчи беш йиллик халқ хўжалиги пилани мўддатидан илгари баҳариланганлиги билан самимий табриклайдилар.

Область колхоз ва совхозлари галачилик хўжалигини ҳар томонлама интенсификация қилиш амалга ошириб бориб, илгори таъриб ва фан ютуқларини амалга ошириб келганлиги, кўп қўшма қўшма ва суя қамчилиги сабабли юзга келган катта қийинчиликларини бартараф этдилар, донли экинлар ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиб, давлатга 45,1 минг тонна дон сотдилар, беш йил мобайнида эса галла қабул қилиш пунктларига 237,8 минг тонна, яъни беш йиллик халқ хўжалиги пиланига нисбатан 107,3 процент дон топшириди.

Беш йилликнинг якуновчи йилида Самарқанд, Оқдарё, Жомбой, Пахтачи, Нарпай, Иштихон, Хатирчи, Ургут районларининг колхоз ва совхозлари дон топшириш халқ хўжалиги пиланини анча ошириб бажардилар. Меҳнатдаги бу катта галабага Пастдаргом, Каттақўрғон, Пайарик, Булунғур ва Нурота районларининг галлакорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Каттақўрғон районидagi Ленин номли, Пахтачи районидagi «Коммунизм» Нарпай районидagi

«Москва» колхозлари макжаҳурдан мўл ҳосил етиштириб, гектар бошига 90—91 центнер дон олдилар.

Пайарик районидagi Охунбобоев номли колхоздан А. Беркинов, Нарпай районидagi «Октябрь» колхозидан И. Умеров, «Пайарик» совхозидан Ш. Эргашев бошлик бригадаларнинг макжаҳурикорлари ва бошқа кўпгина бригадалар гектар бошига 96—101 центнер макжаҳури ҳосили йиғиштириб олдилар.

Эришган муваффақият — область галлакорлари, меҳанизаторлари, кишлоқ хўжалиги ва суя хўжалиги мутахассислари, барча меҳнаткашлар қилган фидокорона меҳнатининг, область партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик органлари олиб бораган зўр ташкилотчилик ва сийсий ишларнинг натижасидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қомил ишонч билан айтишадики, Самарқанд областининг кишлоқ хўжалиги меҳнатчилари деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан олиган социалистик мажбуриятларини мўддатидан илгари бажариш учун муносабатини янада кенг қўлчи эътирафлар, пахта ва бошқа экинлар ҳосилини йиғиштириб олишни жадаллаштиришлар, зарур микдордаги уруғликни тўла-тўқис қамлаб қўйди, келгуси йил ҳосили учун кузги экинлар экишни уюшқоқлик билан ўтказадилар, шунингдек чорва учун ем-хашак запасларини тўлдирадилар, КПСС XXV съездини меҳнатда янги муваффақиятлар билан қўтиб олдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕХНАТКАШЛАРИ! ИШ-НИНГ ЮКСАК СИФАТЛИ БЎЛИШИГА ЭРИШИН-ГИЗ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ИЧКИ РЕЗЕРВЛАР-ДАН ТУЛАРОҚ ФОЙДАЛАНИНГИЗ! ХАЛҚ ХЎЖА-ЛИГИНИНГ ҲАММА БЎИНЛАРИДА ИНТИЗОН ВА УЮШҚОҚЛИКНИ МУСТАҚАМЛАНГИЗ!

(Ушуг Октябрь Социалистик революциясининг 58 йил-лиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

ЯНГИЙЎЛ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

КПСС XXV съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида актив қатнашиб меҳнат қилётган Янгийўл районининг меҳнаткашлари пахта тайёрлаш халқ хўжалик пиланини 14 октябрда бажаришнинг 3322 тонна «оқ олтин» дурдонаси қабул қилиб олди. Топширилган ҳосилининг 11678 тоннаси уруғлик пахтадир. Ҳосилининг асосий қисми биринчи сортларга сотилди.

Пахтачи тез термиде меҳанизаторлар ҳам меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Шу тўғрйда 14600 тонна «оқ олтин» техника ёрдами билан йиғиштириб олинди. Бу ишда фаол қатнашган юздан эртик меҳанизатор масум нормасини ошириб бажариб эндиликда янги мажбурият олган ҳолда термини давом эттирмоқда. Ушунга қўшиб баришда янги райондаги «Коммунизм», «Ленинизм», Ленин номли, Назарали Ниезов номли, «Интернационал»

колхозлари муносиб ҳисса қўшишди. Бу колхозлар халқ хўжалик пиланини мўддатидан илгари бажариб, мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топшираётти. Янги зафарларини қўлга киритиш учун барча куч ва резервларини ишга солишмоқда. Район колхозларидаги 30 дан эртик пахтачилик бригадалари пиланини анча ошириб бажарди. «Коммунизм» колхозининг ёш меҳанизатор Исроф Иромонов бошлик бригадга аъзолари ҳар гектар эрдан 45 центнердан ҳосил йиғиб олдилар. «Ленинизм» колхозининг Турдан Жанисбоев, К. Алисутонов бошлик бригадга аъзолари ҳар гектар эрдан 35—40 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олдилар.

Янгийўлликлар тўққизинчи беш йилликнинг якуновчи йилида Ватанга 42500 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилган ҳолда меҳнат қилётганлар.

ДОН-ДАВЛАТГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
ШОЛИ ЎРТИНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ
15 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН

МАЎЛУМОТ

(Экин майдонига нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсими, учинчи стун — масвум бошдан бери.	Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда топширилган пахта, учинчи стун — масвум бошдан бери.	Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда топширилган пахта, учинчи стун — масвум бошдан бери.	Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда топширилган пахта, учинчи стун — масвум бошдан бери.
Оққўрғон	—	100,0	100,0
Оққўрғон	—	100,0	100,0
Пискент	—	100,0	100,0
Янгийўл	—	100,0	100,0
Бўка	1,0	98,7	98,7
Бекобод	3,0	94,7	94,7
Кўйи Чирчиқ	1,0	94,6	94,6
Урта Чирчиқ	3,9	92,8	92,8
Область бўйича	2,0	95,1	95,1

430.000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 15 ОКТАБРГАЧА
БЎЛГАН МАЎЛУМОТ

(Халқ хўжалик пиланига нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, топширилган пахта, туртинчи стун — бир кунда стун — масвум бошдан бери.	иккинчи стун — уннич стун — масвум бошдан бери.	стун — бир кунда стун — масвум бошдан бери.	терилган, бешинчи	
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	1,65	117,76	1,19	124,47
ҚУЙИ ЧИРЧИҚ	1,54	112,77	1,44	120,11
ЯНГИЙЎЛ	3,51	100,05	3,90	88,53
Оққўрғон	2,37	91,75	2,17	90,19
Бўла	2,74	90,91	3,31	89,75
Бекобод	2,51	89,76	2,51	89,17
Чиноз	3,35	87,92	4,01	83,19
Пискент	2,02	87,78	1,97	82,14
Урта Чирчиқ	1,82	87,46	1,81	97,13

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

Кеча Тошкент область партия комитетида область бошлангич партия ташкилотларида ҳисобот-салоҳ, йилги ишларининг боришига бағишланган, шаҳар ва район партия комитетларининг ишончли секретарлари ва ташкилий бўлимлар мудириларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Шу масала юзасидан область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими

мудри О. Зуфаров ахборот берди.

Кенгаш қатнашчилари Олма-таш шаҳар партия комитетининг ишончли секретари Б. А. Агаров, Октябрь район партия комитетининг ишончли секретари В. И. Золотух, Янгийўл район партия комитетининг ишончли секретари С. Д. Сайдалиев, Қалинчи район партия комитетининг ишончли секретари И. Я. Деревякинларнинг ахборотларини тингладилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг инструктори С. З. Шинлев, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудри Г. М. Орлов, Тошкент область партия комитетининг ишончли секретари В. В. Окуниев нутқ сўзладилар.

Кенгаш охирида область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов нутқ сўзлади.

КУН ТАРТИБИДА МЕХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Тошкентда СССР рангли металлургия министрига қарашли «Гланерго»нинг қорхоналарида ва ташкилотларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва ҳавфсизлик техникаси масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда Москва, Свердловск, Красноярск, Норильскдаги ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги ремонт қилувчи, соловчи қорхоналар ва конструкторлик ташкилотларининг раҳбар ҳодимлари қатнашди.

Улар «Гланерго» системасида меҳнат шартнои ва техника ҳавфсизлиги аҳолини муҳофаза қилди, уларни янада яхшилаш йўллари белгиладилар.

(СўТАҒ).

АХБОРОТ ОБЛАСТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ИШЧИЛАР ИЖОДИ

Чирчиқ электротехника маданияти саройида меҳнаткорлар ҳаваскорлик ижодининг Бутунитифок фестивали билан таъсирли санъат студияси кўргазмаси очилди.

Таъсирли санъат илҳомландирганини ишлари фақат Чирчиқдагина эмас, балки республикамизда ҳам яхши маълумдир. Улар ҳар йили турли кўргазмаларда иштирок этиб келишмоқда.

Утган йили Москвада бўлиб ўтган Бутунитифок ҳаваскор рассомлар кўргазмасида, Чирчиқ таъсирли санъатчилари катта муваффақият қозонишди. Уларнинг ижодий ишлари кўзга қўйилган рассомлар, ҳайкалтарошлар катта баҳо берди.

Маданият саройида очилган кўргазма тематикаси янҳатдан рағбатлантирди. Электроник М. Ермушевнинг металлга ўйиб ишланган «Сенга она-Батан», «Оналик» номли графика расмлари Буюк талабанинг 30 йиллигига бағишланган. Кўргазмага қўйилган бошқа ҳаваскорларнинг ишлари ҳам диққатни ўзига жалб қилади.

ОБОД ҚИШЛОҚ

Бекобод районидagi Ленин номи қолхозда меҳнаткорлар турмуш фаровонлиги ошиб бормоқда. Ҳўжалик йил сайин юқори ҳосил еттиштиратганини туфайли қолхоз тобора ободланишмоқда.

Яқинда «Ўзбекқолхозстрой» қурувчилари қолхозда бир неча янги объектларни фойдаланишга топширдилар. Фарзандлар учун замонавий типда қурилган болалар босчаси хизматидан барча мамнун бўлмоқда. Ботча 90 ўринли бўлиб, еш авлоди тарбиялаш учун барча имкониятлар яратиб берилган. Бундан ташқари, 400 ўринли клуб биноси қурилмоқда.

Қолхозда йил охиригача яна бир неча турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Уларда йилдан ортиқ қолхозчилар оиласи ҳовли тўйларини ўтказадилар.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ ЎРГАНИБ

Шредер номли боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-техник институтини, чорвачилик, сабзавот, полив экинлари ва картошка илмий-техник институтини таъсис қилган мутахассислари об-ласт қолхоз ва совхозлари-га жўнаб кетишди.

Областимиз қолхоз ва совхозларида мева ҳамда сабзавот ҳосилдорлигини мунтазам равишда ўсиб боришида илғор тажрибалар катта роль ўйнайоти.

Олимлар пешкада ҳўжаликларда бўлиб, ана шу тажрибаларни ўрганиб қайтишди. Ана шу машғул коллективларнинг илғор тажрибаси асосида 1976 йил учун таъсисномалар ишлаб чиқилад.



ЯНГИЎЛ шаҳар 15-ўрта мактаб ўқувчилари ўқитувчилар томонидан берилаётган билимларни пухта эгаллаш, яхши ва аъло баҳолар билан ўқиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бунда албатта ўқитувчиларнинг хизмати катта.

Суратда: ёш ўқитувчи, комсомол аъзоси Азимов ўқувчилар билан иссиқлик дивангеллари темаси устида машғул ўтказмоқда.

ИЛМ-фан — бағри кенг дарё. Дарёга келиб қўйилган «ир-ради» уни бирин-кетин тўлдирди. Фан ривожига ҳисса қў-лишига бел боғлаган истеъдо-дларини шу йрмоқларга қиёс қил-гинг келад.

Бундай умидли ёшларни Тош-кент политехника институтида ҳам қўллаб уратамиз.

Устоз меҳри шоғирда, деган-ларидек, олий ўқув юртининг та-ниқли олимлари илм-фанга бе-рилган студентларни чинакам ил-мий ҳаёт кучоғига дадил олиб кўрмоқдалар. Айрим тадқиқотлар устида биргаликда ишлаб, ижо-дий ютуқларни қўлга киритмоқ-далар.

Полимерлар лабораториясида ҳам қайноқ илмий ҳаёт ҳукмрон. Бу ер устоз ва шоғирлар учун иланиш, ҷитилнинг учини топиш, янгиликлар кашф этиш марказига айланиб қолди. Шу лаборатория-да аналга етирилган илмий ку-затишлар институтга катта обрў келтирди, олим ва студентлар ҳамкорлигини тагин ҳам мустаҳ-камлади.

Химия-технология факультети-га қарашли кафедраларнинг кўпи-чи

лиги ушбу лаборатория билан боғланган. Химия-технология жа-раёларини автоматлаштириш ва комплекс механизациялаш кафедр-аси Яўли билан бажарилган та-дқиқотларга профессор А. Юсуббеков раҳбарлик қилади. Ижодкор студентлар яратган ян-

кўргазманинг бронза медали билан тақдирланди.

Пластмассаларни қайта ишлаш технологияси кафедрасида турт йил муқаддам доцент Б. Шили-левский студент М. Цацкин бил-ан биргаликда янги полимерли-материал ҳосил қилган эди. Из-

илмий фаолиятга ҳозирланиши-нинг қулай даври. Шундай экан, ёшлар ўртасида илм-фанга қи-зиқишни ошириш, янгилик ижо-дий ишга лаёқатли студентлар-ни фан оламига олиб кириш-гоят фараҳли ишдир. Студентлар-нинг илмий ишларини назорат

ралари яқиндан ёрдам бериб турибди.

Студентлар таржима бюроси-фандаги энг янги маълумотлар-ни омдалаштириш борасида анча иш қилди. Полимерлар соҳасида-ги янгиликлар бўйича алоҳида тўпламларни тайёрлаш йўлга қў-

Факультет диплом ишлари бў-йича Бутунитифок конкурсининг доимий қанташчиси. Студент-ларнинг энг яхши илмий ишлари Москвадаги Бутунитифок халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасига ҳар йили юбориб турилибди. Рельефли темир-бетон панелларни тайёрлаш билан боғлиқ тадқиқот учун бир гурупа ижодкор сту-дент СССР халқ ҳўжалиги ютуқ-лари кўргазмасининг олтин меда-лини олишга муваффақ бўлди.

Шу билан бирга факультетнинг ўзида студентлар илмий ишлари кўргазмаси ташкил қилинган. Кўргазмага экспонатларни танлаш ва раёбантлаштириш билан факультет деканати ва студентлар ил-мий-тадқиқотлари кенгаши шўғул-ланади.

Инженер кадрлар ўқоғида ижодкор студентларни илмий-тадқиқотлар билан бевосита машғул бўлишга одадлантириш борасида бой тажрибалар тўп-ланди. Бу ҳол ёшларни фан ола-мига янада чуқурроқ кириб бо-ришга, илмий муаммоларга да-дил қўл уришга даъват этади.

А. АЛИЕВ.

ИЖОДКОР ЁШЛИК

ИНСТИТУТ, СТУДЕНТ ВА ЛАБОРАТОРИЯ

ги асбоб суяқ моддалар сифатини аниқлаш имконини берди. Энди-ликда прибор ёрдамида чигит мойи ва бошқа моддаларнинг кимёвий хоссалари ўрганилмоқда. Тўқима материаллари кафедраси томонидан тақдим этилган ян-гилик ҳам иқтисодий фойда кел-тирди, энг яхши экспорт сифати-да «Ёшларнинг илмий-техника ижодкорлиги» Марказий кўргаз-масида намойиш қилинди. Унинг ижодкорлари — студентлар эса

ланиш самараси тезда оғизга тушди, мутахассислар эътиборини ўзига тортди. Тадқиқот овозаси институт доирасидан чиқиб, Ит-тифок бўйича ёйилди. Ижодкор-ларга авторлик гувоҳномаси бе-рилди.

— Ёшлик — киши ҳаётидаги ижодкорлигининг энг сермаҳсул даври ҳисобланади, — дейди ка-федр мудир, профессор Ф. Токиев. — Студентлик йиллари бўлажак мутахассиснинг мустақил-

қилиш, уларга ҳар томонлама амалий ёрдам бериш биз про-фессор-ўқитувчилар коллектив-нинг жонажон бурчидир.

Очилини айтганда, фан йўли оғир ва машаққатлидир. Бунинг учун доим иланиш, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиб туриш ҳам шарт, ҳам фарз. Ижодкор студентларга ку-лай бўлсин деб, институтда сту-дентлар таржима бюроси ташкил этилди. Бюрога чет тиллар кафе-

йилди. «Техникада полимерли материаллар» деган тўпламлар босилиб чиқди.

Химия-технология факультети кафедраларида студентларни ил-мий-тадқиқотларга жалб этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Пластмассаларни қайта ишлаш технологияси кафедраси группалари студентлари қақирғига би-ноан факультетда илмий-тадқи-котлар бўйича мусобақа қўлоч отди.



СЕРҚУЕШ республикамиз пойтахти йил сайин гузал ва обод бўлиб бораётир. Қўли гул бунёдкорлар қураётган уй-жой бинолари ва маданият-шаҳар чиройини очмоқда. Сурат-и: Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

намлик бахш этиб турган да-рахтлар-ми? Булар қилларнинг меҳнатлари эвазига рўбга кел-ган?

— Ободончиликдаги дастлаб-ки ишларимиз маҳалламиздаги бўш қаровен эрларни майда-чуйда тошлардан тозалаш, баланд пастликларни текислаш-дан бошланди, — дейди маҳал-ла комитети раиси Алҳам ана Қодиров. — Дастлабки вақт-

— Маҳалламизда М. Исмли бир киши ўтган йили ўғлини уйлантирди, — дейди А. Қо-диров. — Тўй дабдабали, «дов-ругдор» бўлиб ўтди. У ерда ис-роф бўлган нонларни, ичимлик-лар ва қўлиб кетган турли озиқ овқатларини қўриб, анча рақибандик. Бунинг қаран-қи. М. «ном чинаришга» тўй қил-ган экан. Тўй маросимлари ўт-гач, уйи шип-шйдам бўлиб

лақ турли кинофильмлар кўр-сатилиб борилади. Шунингдек, «Саёҳат-роҳат» клуби ташкил этилган. Яқинда маҳалламнинг илғор меҳнатчиларидан ўн икки киши республикамизнинг тарихий обидаларга бой шаҳар-ларидан бир қанчаси — Самар-қанд, Бухоро, Хива шаҳарла-ри бўйлаб туристик саёҳатда бўлди.

Бешқайрағочликларнинг ях-ши урф-одатларидан бири тур-ли байрам ва маросимларни юксак савияда, коммунистлар руҳда ўтказишдир. Байрамлар-га бағишланган концертлар, меҳнат илғорлари, фан аҳдла-ри, ёзувчи ва шоирлар билан учрашув маросимлари уюшти-риб турилади.

Маҳалла комитетида бажа-рилган ишлар ёниб бориладиган дафтар сақланади. Альбомни фарақлаймиз: «27 апрель кун маҳалла аҳли исми ойлиқдаги сўнгги ҳашарга чинди. Ҳашар зўр уюшқонлик билан ўтди. 300 тул гул қўчати ўтказилиб, қўшимча йўллари текислаш ишлари тугалланди».

«29 апрель. Улғу. Ватан уруши ветеранлари, Совет Иттифок қўҳрамони С. Уме-ров, «Қизил юлдуз» ордени кавалери А. Афзаловлар билан учрашув ўтказилди».

«2-Май. 1-Май байрамга ба-ғишланган тантанали маросим».

«6-Май. 2-Нарзбек кўчаси 15-уйда истикомат қилувчи И. Ус-моновнинг янги устаксинин қуриш ишларига ҳашар уюшти-рилди».

«8-Май. Қўҳрамонлар ҳўзу-рида...»

Буларнинг бари маҳалла аҳ-лининг ҳар нарсасида бир тан-бир жонлигини, аҳил бир оила-дек иноқ яшайётганлигидан гу-воҳлик бериб турибди.

Яна ҳам гулла-яшна, Беш-қайрағоч!

А. АХМАДАЛИЕВ.

БИР МАҲАЛЛА— БИРОЙЛА

ларда қийин бўлди, албатта. Ҳар шанба, яқинлаб кунлари ҳашарлар уюштириб, бутун ма-ҳалла аҳли бир оиладек, бир тан-бир жон бўлиб, тер тўқиди.

«Нарзбек» совхозидан турт тонна маҳаллий ўнгит келти-рди. Янги сув йўллари очилди. Шу йил баҳорининг ўзида ма-ҳалламизга 3 минг тул мева-ла ва манзарали дархат, 1650 дона гул қўчатлари ўтказилди. Янги тўққарликнинг эса санаоти йўқ. Маана, қурилиб ту-рибди, баҳорги меҳнатининг зо-е кетгани йўқ. Айни кунлар-да маҳалламизнинг бир ҳўсига ўн ҳўс қўшилган.

Маҳаллада янгича урф-ода-лар пайдо бўлмоқда. Бир ки-шининг «ўйи бўлса — бу ма-ҳалладаги ҳар бир ҳўвалонинг қувовчи, байрами. Қандайдир тасодиф бўлиб, қимнингидир бо-нига таъиниш тўпса, ҳамма ун-га ҳамдард.

қолди. Билишимизча, таъин-би-лишларидан анчагина пулга қарздор ҳам бўлибди. Дарҳол, ўз ердимишизни аямасиз.

Шундан сўнг, маҳалламизда бундай ҳўлар қайта тақор-ламасини учун маҳалла ко-митетимизда «тўй бюроси»ни ташкил этдик. Унинг аъзолари кекеа отахонлар, тақрибали педагоглар, меҳнат илғорлари-дир. Маҳалладаги биронта ҳам тўй ёни маросим уларнинг ру-ҳсатисиз, йўл-йўриғисиз ўтмай-ди. Тўй-ҳашарларда ортиқча исрофгарчиликка чек қўйилган.

Маҳаллада газета ва журнал-ларга обуна бўлмаган бирон-та ҳам ҳўнадон йўқ. Вақтли матбуот янгиликлар билан вақтда таъиниш бориш, кун-лик иш соатлари ва ҳафталик иш кўндирларидан сўнг маданий ҳўрчиқ чиқариш ишлари яхши йўлга қўйилган. Оталар чойхо-наси бивосида вақти-вақти би-

ҲАР ТЎҒРИДА

ЯНГИ АРХЕОЛОГИК ТОПИЛДИҚЛАР

БАҒДОД. Пойтахтнинг Карк районида қурувчилар Дажла дарёсн орқали янги кўприк учун қотлаван тайёрлаётганда, ридида иккита гишт деворга дуч келиб қолдилар. Шу деворлар-нинг бириндан дарёга 50 погон-лик зинадон туширилган. Зина-поллар яхши сақланган.

Деворларда ўйилган тўйнуқ-лар бор. Олимларнинг фикри-ча, йил ҳисобимиздан аввалги VI асрда улардан Дажладаги сув юзаси кузатиб туриладиган тўйнуқлар сифатида фойдала-нишдан бўлиши керак.

Бобил шохлиги даврида қу-рилган бу иппостлар қадимий Меессотопамиядаги ирригация методларининг яна бир томони-ни билишга имкон беради.

(ТАСС).

ҚАДИМГИ ИНШООТ

КРАСНОДАР. Анапада ан-тик даврга тааллуқли соғана

топилиди. Бу соғана бир маҳал-лар мавжуд бўлган қадимий Горишлия шаҳрининг вайрона-лари орасида Горький кўчаси-да уй-жой пойдеворлари қури-лиши учун қотлаван қазилает-ган пайтда топилиди.

Моҳирлик билан ишланган тош блокларидан барно эгилган соғана ўл орқасига жойлашти-рилган. Унинг лйида учта сар-кофат бор. Бу саркофаларнинг ҳар биттаси ахилт тош — хар-санглардан ясалган. Гўмбаз ва деворга ранг-баранг сурат-лар солинган. Ен деворлар бўйлаб гўмбазнинг пастки қис-мигача қадимий юнон мифла-ридан суратлар бор. Одамнинг шер билан ижкам-ижа олишиб турган пайти ҳам таъсирланган.

Мутахассисларнинг айтиши-ча, бу иппост шимолӣ Қора деңиз соҳилидаги эраимизнинг иккинчи асрга тааллуқли ан-тик маданиятнинг нодир ёлгор-ликларидандир. (ТАСС).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.40 — ТОШКЕНТ. 17.45 — Мультифильм. 18.05 — Физкульту-ра ва спорт. 18.35 — Директор бугун сиз билан. 18.15 — «Ах-борот». 19.30 — Миллонолар ле-нинча университети (Москва). 20.00 — 5-й минут музыка. 20.10 — «Ахборот». 20.30 — Визинг суҳ-бат. 21.00 — Пахтаров — мард-лар майдони. 21.20 — Ёш икро-чилар концерти. 22.00 — «Вант». 22.30 — Кам сарф-ҳарajat билан қўлаб сифатли маҳсулот берай-лис. 22.45 — Адабий театр. ИК-кинчи ПРОГРАММА. 17.40 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қўёш ани-бор. 19.30 — Шофокор экрани. 20.00 — Концерт. 20.45 — Теле-фильм. 22.00 — Хўжақали филь-млар. 22.30 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Кинофильм. 20.45 — Те-лефильм. 21.25 — Тошкент янги-ликлари. 21.40 — Серафим Фро-ловнинг муҳаббати (бадий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ.

ДА — 10/Х да Кўн эшик ортида-ги аёл. 17/Х да Парвоз. 18/Х да Парвоз.

МУЗЕЙНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ МУЗКАЛИ ТЕАТРИДА

10/Х да Жон қизлар. 17/Х да Хо-тинининг эри. 18/Х да Хонума хонум.

ШАПТО ПЕРИКИДА — Москва цирни артистларининг гастрол-лари (19.00).

КИНО

ҚИШКИ ВИНОВА

Шаҳарда икки киши — «ТОШ-КЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (қууду ва кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА», «ВОС-ТОК» (тоқ соатларда), «КОМСО-МОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (қуфт соат-ларда).

Ўзбекистон КП Тошкент об-ласт комитети ва об-ласт ик-рония комитети Юқори Чирчиқ район партия комитетининг собиқ биринчи секретари, Иттифок аҳамиятидаги шахсий пенсционер, Социалистик Меҳ-нат Қўҳрамони

Илья Иванович

ЛАДУШКИН

ининг вафот этганлигини чуқур жайғу билан билдирилган ва марҳумнинг оиласи, қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР

коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.